

ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ:  
МАЗМУНИ, ТАЛАБЛАРИ ВА  
ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Такрорий овозда асосий сайловдаги каби миллий сайлов кончиллиги принципларига амал килган ҳолда ўтказилади. Булар — очиқлик, ошкоралик, конунглилек, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов хуқуқи, яширип овозда бериш ва бошқалар.



2

ЎЗБЕКИСТОН  
RESPUBLIKASI  
МУҲАММД КИЧИР РАЛАДА  
“ЎЗСАННОДАТКУРИЛИШБАНК” ВА  
“АСАСА” БАНКИ (ОАЖ)  
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ  
ЖАМОАЛАРИНИНГ ВАТАН  
ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ҚУТЛОВИ

3

## Таянчимиз, суюнчимиз ва қалқонимиз

Куролли кучларимизнинг ўзаги бўлмиш оддий аскар ва сержантларга муносабат тубдан ўзгариб, уларнинг ихтимомий муҳофазаси кучайтирилди. Малакали, ихтисослашган мутахассисларни ўзимизда тайёрлаша борасида жойларда ҳарбий билим юртлари ташкил этилди. Олар тоифадаги офицерлар этишиб чидиган Куролли Кучлар академияси очилди.

4



Inson manfaatlari — оғиу ғадриват

## ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаған

№ 1  
(758)  
2010 йил,  
8 январь,  
жума

O'zbekiston  
<ADOLAT>  
SOTSIAL-DEMOKRATIK  
PARTIYASI

**2010 ЙИЛ:  
ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК,  
ОМОНЛИК ВА ТЎКИНЛИК**  
бардавом бўлиб қолаверади

**Б**ир хафта олдин, якунига етган 2009 йилни кузатиб қўйтуриб, йил давомида бизга пешвоз чиқкан қувончилиларни, юртимиш ҳәтида рўй берган мухим ва унтилласа боекаларни беихтиёри ҳаёлламишдан ўтказдик. Дангалини айтганда, поёнинг етган йилимиз мамлакатимиз тараққиётин ўйлуда ва ҳәёт тарзимизнинг барча ўйналишларидан бошлаган испоҳотларимизни чукурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иктисолидётимизни барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, ҳалқимиз турмуш фаронлигини оширишда алоҳида ўрин эгалади.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ўзбекистон ҳалқига Янги йил табригига таъкидлаб ўтганидек, “бутун жаҳон миёқсида ҳали-вери давом этатган, ўзи билан ўта оғир салбий оқибатларни олиб келаётган молиявий-иктисолид икнориз”га ҳарамасдан япли ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иктисолидётга жалб этилган сармоялар хажми 33,0 фоизга ўсади. Ахолининг реал даромадлари 26,5 фоизга ошиб, ойлик иш хажи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40 фоизга кўтарилиди. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси гоялари мантигидан келиб чиқиб шарҳлайдиган бўлсан, бу рақамлар — жамиятимиз, давлатимиз ва ҳукуматимизни чинакам инсонпарварлиги ҳамда аҳоли ижтимоий ҳимоясига бениҳоя катта ётибор бергандаги тасдиғидир.


Тарихга “қишлоқ тараққиёт ва фаронлиги йили” номи билан кирган мазкур йилда маҳсус давлат дастурининг амала оширилиши — қишлоқларимиз ҳәтини тубдан ўзгаририб, аҳоли турмуш маданиятини юксалтиришида, уларнинг ўзи ўзашаротини шахарлардаги дик даражага яқинлаштиришида катта роль ўйнади. Дастурни бажарни ўйлуда йил давомида 2 триллион 600 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шубҳасиз, бу улкан ҳарҳатлар мамлакатимизнинг саноат, қурилиш, транспорт ва коммуникация тармолкларига, таълимтарбия, тиббиёт ҳамда маданият, маврифат, маънавият соҳаларига, бутун иктисолидётимизи модернизациялашга, янгилашига келгисида ҳам хизмат килали.

Тўғри, табриқда айтилганидек, қишлоқ ҳўжалигига “бу йил об-хавонинг ғоят ногулий келиб, баҳордаги узлукси ёғинчарчилик туфайли экиш мавсумининг бир

## Муносабат

2010 йил Барқамол авлод

иши



**ЁШЛАР КАМОЛИ —  
КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ**

**Я**нги 2010 йил нишонлаётган бир даврада маҳалламизда яшайдиган 75 ёшли отаҳон Қодир бобо Алихонов: “Очиги, бугунги ёшларга ҳавасим келади. Янги ва замонавий мактаблар, академик лицейлар, касбхунар коллежлари улар ихтиёрида. Ҳатто, дарслан бўш вактларида жисмонан чиниқишлири учун барча кулайликлар ҳамда жиҳозларга эга мухтаждар спорт заллари ва мажмумаларининг ишлаб тургани дилни кувонтиради. Жорий — 2010 йилни юртбошимиз томонидан «Барқамол авлод йили» деб ўзлон қилинган ёшларга бўлган беқиёс ётибор ва ғамхўрликнинг ифодасидир. Ўқувчилик пайтларимизда паст, заҳжойларда ўқиганмиз. Ҳозирги-

дай шароитлар етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган...” деб қолди.

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан оноқ, мамлакатимизда ўсиб келётган ёш авлодни мальянн етук, жисмонан кучли этиб юяга етказиши давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирита айланган. 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили”, 2008 йилнинг “Ёшлар йили” бўлғанларидек, “...эзгу ниятиларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам мазнавий жиҳатдан соглом қилиб ўтириши, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзузи туради...”

Бу ғамхўрликларга жавобан минглаб ёшларимиз ҳалқаро фан олимпиадаларида, спорт мусобакаларида биринчиликни эгалаб, юртимиз шаънни кўкларга кўтармоқда.

Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 17 йилингига бағишланган тантанали маросимдаги маъруzasida таъкидлаларидек, “...эзгу ниятиларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам мазнавий жиҳатдан соглом қилиб ўтириши, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзузи туради...”

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,  
“Adolat” мұхбари.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛАНГАН  
ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ**



Хорий йилнинг 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатасига сайловчиликни 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов якунлари кўриб чиқиди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатасига сайлов округларида ҳамда Ўзбекистон

экологик ҳаракат Конференциясида сайланган депутатлар рўйхатта олниди.

Бир депутатлик мандати учун 99 та сайлов округида 4 нафардан номзод, 36 та сайлов округида 3 нафардан номзод кураш олиб борди.

Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига 17 миллион 215 минг 700 нафар сайловчининг фамилияси киритилиб, овоз беришда 15 миллион 108 мингдан ортиқ ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашиди. Овоз беришда барча 135 та сайлов округида рўйхатга киритиланг сайловчиларнинг 33 фоизидан ортиқ иширик этди ва сайлов қонунчилигига мувофиқ уларда сайлов ўтган, деб хисобланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорига бинонан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг 16 нафари Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси депутатларига сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатасига Ўзбекистон “Адолат” СДПдан сайланган депутатлар рўйхати билан 2-саҳифада танишасиз.

Самарқанд туманидаги “Стеклопластик” масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт муассасаларининг реанимация бўлмиллари учун автомат тарзда ишлайдиган каравотлар ишлаб чиқариши кўйилди.

**ЯНГИ ЙИЛНИНГ  
ЯНГИ МАҲСУЛОТИ**

Корхонамизда бугунги кунда бир неча турдаги мебел ва спорт анхомлари, саноат корхоналари учун бутловчи қисмлар билан бирга 60 турдан зиёд тиббиёт ҳижорзлар тайёрланмокда, — дейдай “Стеклопластик” масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт муассасаларининг реанимация бўлмиллари учун автомат тарзда ишлайдиган каравотлар ишлаб чиқариши кўйилди. Шунингдек, тўшакда ўтириш, ҳолда овқатланиш, муолажа олиш учун ҳам имкониятларига яратилган. Шу пайтгача ўтириш турдаги тиббиёт ҳижорзлар асосан корхонадан кетилирлади эди, эндиликда уни ўзимизда арzon нархда харид килиш мумкин.

Самарқанддаги тиббиёт муассасаларидан янги каравотларга бўйлайдиган кетилирлади эди, эндиликда уни ўзимизда арzon нархда харид килиш мумкин.


Самарқанддаги тиббиёт муассасаларидан янги каравотларга бўйлайдиган кетилирлади эди, эндиликда уни ўзимизда арzon нархда харид килиш мумкин.

АНДИЖОН. Шахрида “General Motors — Uzbekistan” кўйма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун ёнили, мой ва ҳаво фильтрлари тайёрлаш ўтилди.

“Valencia” инвестиция компанияси ёрдамида ташкил тошсан мазкур жараёнда махсулотларни яшамарсанда 110 миллион сўм маблағ ажратди.

ФҲАСАНОВ,  
ЎзА мұхбари.





O'ZSANOATQURILISHBANK

## «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ЖАМОАСИ

Ватанимиз озодлиги,  
юртимиз тинчлиги,  
халқимиз осойишталиги ва  
сарҳадларимиз дахлсизлигини  
таъминлашда астойдил хизмат  
қилаётган барча ҳарбий хизматчиларни,  
мард ва жасур аскарларни  
14 январь — Ватан ҳимоячилари куни  
билин самимий муборакбод этади.  
Уларга баҳт-саодат, шарафли ишларида  
муваффақият тилайди.

**Ҳарбий салоҳият —  
сарҳадларимиз  
дахлсизлиги гаровидир!**

Вақт давомида синалган ишонч!  
[www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz)



## “АСАКА” БАНКИ (ОАЖ) САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни

Ватан ҳимоячилари куни билан қизғин қутлайди.

Қуролли кучларимиз сафларида хизмат  
қилаётган аскар ва зобитларнинг  
шарафли, шу билан бирга Ватанимиз  
мустақиллигини кўз қорачиғи каби  
асрашдек ниҳоятда масъулияти  
фаолиятларига ривож тилайди.

Миллий афмиямиз — ҳар бир фарзандимизни ишламиш, жисмоний жижатдан ғаниқирадиган, Она Ватанга муҳаббат, минг-мини ўннадан буён ардоқланиб қелаётган қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишга ғорлайдиган ноёб мактабдири.



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ТАЯНЧИМИЗ, СУЯНЧИМИЗ ВА ҚАЛҚОНИМИЗ

Президентимиз, Куролли Кумандони Ислом Каримов мамлакатимизда професионал армия түзүштүүдөн өткөн күнүн шакллантырыш вазифасын күйгөн көзләрдәң деген эди: "...армияни том маңында армия күладиган, хар қандай мурракаб вазият синовлардан ёргүп болып чишига ассо боладиган, унинг жаңговар кудратында харбий маҳоратини юксалтырадиган күч — бу армия сафларыда хизмат күләтганса ионсанлардир.

Шуны унтунааслик керакки, хар бир хизматчи — ун генерал ёки офицер бўладими, сержант ёки оддий аскар бўладими — бундан катъян назар, уларнинг барчаси дунёда ягона бўлмиш Ўзбекистонимизнинг фарзандларидир. Уларнинг зиммасидағи масъуллияти ва мукаддас вазифа ҳам битта — она юртимиз, халқимизни ишончи химоя қилишидан иборат."

Хамма нарса тақосда билинади: бундан ўн олти — ўн еттийил аввалин армийимизни ташиб ғибиси билан киёсласак, осмон барабар фарқ борлизиги кўрамиз. Давлатимиз раҳбарни рахномалигига тобора мукаммал шакланиб, такомил топиб бораётган милий армийимиз боскличмасоси ислогочлар самарашибаро.



ўлароқ, энг замонавий курол-яроғ ва техника билан таъминланатганлиги, хар қандай машиқатли синовларни матонат билан енга оладиган харбийларимиз етишиб чиқаётганлиги бугун барчага оидек рашван бўлиб турибди. Зоро, мақсад битта: Ўзбекистонинг ўз профессиянил армиясини вужудга келтириши!

Бу йўлда Куролли Кучларимиз-

нинг ўзаги бўлмиш — оддий асар ва сержантларга муносабат тудбон үзгариши, уларнинг ижтимоий муҳофазаси кучайтириди. Малакали, ихтиослашган мутахассис — харбий кадрларни ўзимизда тайёрлаш борасида жойларда харбий билим юртлари ташкил этилди. Олий тоифадаги офицерлар етишиб чиқадиган Куролли Кучлар академия-

си очилди. Кўшинларни жойлаштириш кўламида катор харбий округлар вуждуга келди. Бошқарув, тизимини такомиллаштириш чоралари изчил олиб борилди.

Бўйлажпрофесионал армийимизнинг маҳсус бўлнималарида харбий ишга лаётати, хисмонан бақувват, билимдон йигитларсони йил сайин ошиб бормоқда.

Уларнинг хаммаси синовлардан мувваффакияти ўтгач шартнома бўйича хизматга киришимоқдалар. Ватан ҳимоясини олий шараф билган таънимиз, суючимиз ва калқонимиз — халқимиш ўйноларининг ижтимоий ҳимояси давлатимиз томонидан ҳамиша этиборда бўйиб, муттасил раббатларнириб борилмоқда. Масалан, Юрбошимиш Ўзбекистон Куролли кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида яқин йиллар ичиде ўзлаб замонавий харбий шахарчалар барпо этиш, уларда энг юксак талабларга — жумлайдан, харбий хизматчилар ва уларнинг оиласи-лари эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган кўпай ижтимоий-машиншият шароити ҳамда зарур инфраструктуриларни яратиб бериш вазифаси кўйиди. Шу кунларда Мудофаа вазирлиги, катор лойиҳалаш институтлари, курилиштаришилаш ташкилотлари хамкорлигидан бўюшлар ижроси ўйнолади. Конституциянишнинг 17 йиллиги арафасида ёки марказий харбий окружида кўшишларидан хизмат бурчими ўтайдиган бир гурух ўғлонлар ва уларнинг бир азозлари замонавий шарт-шароритларга эга 64 та янги хонандорларнинг калитларини олиши.

...Уларнинг ҳурлигини чинаксан эр йигитлар ўз жонидан доимо устун йўйишган. Широқ, Паҳлавон Мамхуд жасоратини, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубролар матонатини бир эслан...

Ҳаммаси озодликка, ёркак, тинчликка — Ватан ҳимоясига бўлган садоқат намунаси бўлган. Зотан, йигит энчун, юрт чон түглидид. У то абад — Ватан учун таянч, суюнча қалқон!

14 январь — шу азиз Ватан ҳимоячилари куни. Доим сергак ва жасур ўғлонлар — ионсанлар байрами!

Номоз САҶДУЛАЕВ.

V SPORT, SPORT, SPORT

**Шахматчиларимиз  
FIDE рўйхатида**

**Х**алкаро шахмат федерацияси — FIDE энг кучли шахматчиларнинг 2010 йилдаги дастлабки рейтингни эълон қилди.

Куонарлиси, иккнича нафар ҳаммортимиз — Рустам Кошимонов ва Нафиса Муминова энг моҳир шахмат усталиари каторидан жой олиши.



2004 йили жаҳон чемпионати фолиби, халкаро гроссмейстер Рустам Кошимонов янги рейтингга кўра 2702 очко жамғарига мувффак бўлди. Бу шахматчимизга кучилолар сифада 34-йўрининг эгалла имконияти яратади. Норвегиялик Магнус Карлсен рейтингга шохсупасига кўтарилига бўлса, кейинги ўринларни Веселин Тополов (Болгария) ва Вишванатан Ананд (Хиндистон)лар ўрин олган.

Айтиш жоизи, FIDEning кизлар ўртасидаги рейтингига дунёдаги бўйича юргида ўзбек шахматчи кирилади. Нафиса Муминова ушбу рейтингнинг 12-юнонисидан жой тегди.

**Олий лигага 14 та  
жамоа катнашади**

**Ф**утбол бўйича мамлакат чемпионати яқунланганига, голиб ва сориндор хамда лигага тарк этадиган жамоалар номи маълум бўлганни ачка вакт ўтган бўлди.

Афсуси, олий лига келгиси мавсумда нечта жамоа иштирок этиши, умуман, мусобақа қайси кўринишда давом этиши сўръ остида колаётган эди. Хайрияти, якинда мазкур масалага бироз ойдиник кирилади.

Мавзум бўлишина, олий лига клублари ўртасидаги янги — XIX мамлакат чемпионатида 14 та жамоа катнашади. Бу хадда Ўзбекистон футболнинг ўтказилган Импилашда маълум килинди, деба хабар беради pif.uz сайти.

Хозирча янги чемпионатини старт олиши ва қайси формат асосида ўтказилиши аниқ эмас. Фақатинана бу йилги мавсумда 14 та жамоа иштирок этиши ҳар этилган.

Шу тарпи ўзган мавсумда биринчи лигага тушни кетган Жиззахининг "Сўғидчига" ву Бухоронинг "Бухоро" клублари ўринини олий лигага ѡч қайси жамоа ягалламайдиган бўлди.

**Халқаро Олимпия кўмитаси  
Кувайтини четлаштириди**

**К**увайтлик спортчиларининг Олимпиада ўйинларидаги иштирок этишиларни тақиқланди.

Associated Pres ахборот агентлининг хабар беришicha, Халқаро Олимпия кўмитаси ана шундай қарор қабул қильган. Бу қарор жорӣ йилинг 1 январидан эътиборан кучга кирган.

ХОКнинг бундай қарор қабул килишига Кувайт хукуматининг мамлакат Олимпия кўмитаси ишига араглашуви учун имконият берадиган конунинг қабул килишини сабаб бўлган. Авалага мазкур конунга ўзгартриши киртиши тавсия этилган. Бироқ талаб кондирилмагач, ХОК Кувайт Олимпиадасини дислекифициралиши мажбур бўлган.

Эслатиб ўтамиш, қувайтилик спортчилар ўнлаб ёзиги Олимпиадаларда иштирок этишган, аммо иштирокни Олимпия ўйинларида катнашиш уларга наисбет атмagan. Ягона медаль эса 2000 йили Сидней Олимпиадасида кўрга киртилган.

Камол АЛЛАЕР тайёрлайди.

**Жаҳон жаҳохирларини  
жавонидан**

**Азоб чекишини истамасан, ҳасадгүй бўлма.** ҚОБУС. Кўзга оғриқ тургандай акла ҳам бор ҳасад, үннутманги, ҳасаддан идрок ҳам бўлур қисод.

**Четлаб ўтгани ҳасадгүйни кўрсанг гар,** Найзасики унинг бўлмас безаҳар. МАХТУМКУЛИ.

**Магнурининг туриши хунук.** АТ-ТЕРМИЗИЙ.

**Ишонмагил маддоҳ, сўзамолларга,  
Заррасча наф учун сени мадҳ этар.** АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ.

**Бир куни муродин ҳосил этмасане,** Икки юздан ортиқ айб санаб кетар. САҶДИЙ.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашси Сиёсий Кенгаш аъзоси, "Шарк" шахар Мирбод тумани партия Кенгашга раиси Тошкент Матибоевга акаси. Муород МАТИБОEVнинг вafot этталониги муносабати билан чукур тазъия изҳор этиди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаш аъзоси, "Шарк" нашриёт-матбаса акциядорлик компанияси бosh директори ўрбиносбари Рашван Хамзаева падди бузукори АБДУВОСИД отанинг вафоти унсанларни булоғи анонсасидан бўлган.

Нашр индекси 100 Навбатчи мұхаррар — Баҳтиёр ТОШНАЗАРОВ Навбатчи — Фулом ХИДИРОВ